



Ислом Нури

Борлик мавжудотнинг Яратувчиси, Бошқарувчиси, танхо Хукмрони бўлган Аллох таъолога беадад хамду санолар бўлсин. Яхшиларнинг мададкори бўлган ягона Аллохдан ўзга ибодатга лойик зот йўк. Башариятни залолат, гумрохлик боткогидан кутқариб, хидоят-тўғри йўл сари элтган Мухаммад алайхис-солату вассалом Аллохнинг суюкли бандаси ва ҳақ пайгамбаридирлар. Огир ва масъулиятли вазифани омонат билан, бекаму-кўст адо этган, умматларининг бахт-саодати йўлида жафо чеккан бу зотга хамда ахли-байтларию саҳобаларига, то киёматгача ул зотнинг йўлларига чакирган, суннатларига эргашган барча кишиларга яратганнинг салавоту-саломлари бўлсин.

«Одамларга ҳисоб-китобалари (яъни, Киёмат Соати) яқинлашиб колди. Улар эса гафлатда (иймон келтириб, яхши амал килишдан) юз ўгирувчидирлар». (Анбийё: 1)

Бугун одамларнинг ахволига қараб фикр қилган киши мазкур оятнинг ҳаётий тасдиқини топади.

Негаки кўпчилик Аллохнинг йўлидан юз ўгириб, охират ва Ҳақ ибодатидан Гофил бўлиб колди. Гўё-ки, улар ибодат учун эмас, балки дунё ва унинг шахватлари учун яралганлар. Чунки бундай кимсалар фикр қилсалар – фақат дунё учун фикр қиладилар, бирон кимсани яхши кўрсалар ҳам фақат дунё учун яхши кўрадилар ва ёлғиз дунё учун амал қиладилар. Улар дунё учун бир-бирлари билан хусумат ва жанжал қиладилар, қай бирларини камситадилар ёхуд уни деб Роббиларининг кўп буйруқларини тарқ қиладилар. Хатто баъзилари иши кўпайиб кетса ёки муҳим бир ваъдаси чиқиб колса, намозини ташлашга ёки вақтидан кечиктиришга ҳам тайёр.



Ислом Нури

Уларнинг хаётида хамма нарса учун вақт бор: иш учун, спорт учун, саёхат учун, турли филмлар ва сериаллар учун, мусика, уйку, ейиш ва ичиш учун вақт бор. Фақат Куръон ва Дин буйруклари учун вақт тополмайдилар.

Айримлар дунё ишларида жуда хам ақлли, лекин бу «бечора оқиллар» охиратда ўзи учун фойдали бўлган ишларда ақлларидан фойдаланмайдилар, ақллари уларни энг оддий хақиқатга яъни хидоят йўлига ва дунё-ю охират саодати бўлган Аллохнинг динида тўғри бўлишга етакламайди. Мана бу хақикий махрумликдир.

«Улар охиратдан гофил-беҳабар бўлгани холларида фақат дунёнинг зохиринагина билурлар». (Рум: 7)

Уларнинг ахволини, гуноҳ ишларга журъатли эканликлари ва маъсиятларга бепарво карашларини кўрган киши «булар ё дўзахга ишонмайдилар ёки дўзах бошкалар учун яратилган бўлса керак», - деб юборади беихтиёр. Чунки улар хисобни ва азобни мутлако унутганлар, олдларида турган дахшатларга асло эътибор бермайдилар.

«(Эй Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам) хаётингизга касамки, улар ўз мастликларида тентираб юрадилар». (Хижр: 72)

Гофил бандалар нафсларининг фоний дунёдаги рохати ва калбаки саодати билан машгул бўлиб, унинг бокий охиратдаги хақикий саодати ва рохатига бепарво юрадилар.

Бир шоир айтганидек: (Мазмуни)

Эй инсон! Жасадингни рохати учун хадеб елиб-югураверма!



Ислом Нури

Холбуки, бу елиб-югуришларингни кўпчилиги охиратда ўзинг учун зиён бўлиб кайтади!

Сен яхшиси, рухинг хакида кўпроқ ташвиш кил,

Негаки сен жасад билан эмас, балки шу рухинг билан инсонсан!

Нафсига кул бўлганлар мол-давлат, мансаб-мартаба ва согликларига келганида жуда куюнчаклар, лекин дин ишларини бажариш, шариат ҳукмларини ўрганиш ва уни ҳаётга татбиқ қилиш каби очик заруратлар бундайлар учун энг сўнгги ўринда туради.

Улар кимматли вақтларини харом ишларга сарфлаб зое қиладилар. Аммо, ўзича бахт-саодат этагини тутган бундай кўру басирлар ўзлари ҳам сезмаган холда халокат жарига қулайдилар.

«Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, бас албатта унинг учун танг — бахтсиз ҳаёт бўлур ва Биз уни киёмат кунида кўр холда тирилтирумиз». (Тоха: 124)

Уларнинг кўпчилигида гуноҳни ва ўзидаги лоқайдликни сезиш хисси ўлиб кетган. Хатто аксарлари ўзларининг охират хусусидаги лоқайдликларини ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар. Ғофил-лоқайд банда дин асосларининг баъзисини бажариш ва беш вақт намозни ўқишнинг ўзи билан исломнинг ҳаммасига эришдим ва жаннат мени кутиб турибди деган гумонда бўлади. Аммо бу бечора туну кун қилаётган юзлаб балки минглаб гуноҳларини унутган, ўзи арзимас деб билаётган гийбат, бўҳтон, ёлгончилик, харом қараш, харом еб-ичиш, соқолни қириш, шимини тўпигидан паст қийиш ва бундан бошқа гуноҳларни эсидан ҳам чиқариб юборган бўлади. У юқоридаги



Ислом Нури

гунохлар менга хеч кандай зарар бермайди, деб ўйлайди. Холбуки, улар баъзан дунё ва охирада унинг расво ва зиёнкорлардан бўлишига сабаб бўлади.

Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам айтганларидек: **«Сизлар кичкина гунохлардан эҳтиёт бўлинглар, чунки улар йигилиб колса бандани халок қилади»**. Шундан кейин бугунги кунда айримларнинг рибо — судхўрлик, зино — фохишабозлик, порахўрлик, ота-онага оклик ва бошқа гунохи кабиралардан мутлако тап тортмаётгани хақида нима дейиш мумкин?

Баъзида ажабланиб коласан киши! Нахот улар бундай хаёт кечиришдан зерикмадилар?! Улар ўзларига савол бериб кўрдиларми?!

Кейин, охирада нима бўлади?

Бу шахватлар ва лаззатларнинг оқибати нима бўлади?

Бу ўйин-кулгунинг охири нима?

Гунох маъсиятлар билан тўлиб кетган мана шу бемаъни хаётдан кейин нима бўлади?

Ёки улар ўлим, хисоб, кабр, сирот, дўзах ва унинг азобидан беҳабармилар?!

Ахир булар ёш болаларнинг хам сочларини окартириб юборадиган дахшатлар-ку!

Оқибат хақида хабар берадигн бўлсам; лаззатлар кетиб,



Ислом Нури

кийинчиликлар қолади, шахватлар тугаб уларнинг ўрнини хасратлар эгаллайди.

Уларнинг бу дунёда топаётган гарддай лаззатлари ўтади-кетди. Аммо ушбу «роҳат»дан кейин кимнидир аламли азоб ва жаҳаннам қаъридан келадиган аламли бакирик-чакирик овозлар кутаётган бўлиши мумкин (бундан Аллохнинг Ўзи асрасин).

Оқил инсонлар эртага Яратган Парвардигор каршисида туришларини ўйлаб, панд-насихат оладилар ва асосий вазифалари бўлмиш ибодатга ўзларини багишлайдилар.

Адашиб юрган гофил кимсаларнинг кўзларини бугунги фан-техниканинг тараккиёти ва замонавий қулайликлар кўр килиб кўйди. Дунё лаззати уларни хақиқий йўлларида ва мақсадларида чалгитиб юборди. Аммо бу гумроҳ бандалар агар залолатлари, ўйин-кулгилари ва кайсарликларида давом этсалар ва гафлат уйқусидан уйғониб Роббиларига қайтмасалар, яқинда хасрат-надомат килиб қолурлар.

«(Эй Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам), уларни кўяверинг, еб-ичиб, фойдаланиб қолсинлар, орзу-хавасларига машгул бўлаверсинлар. Бас, яқинда (бу қилмишларининг оқибати нима бўлишини) билиб олурлар». (Хижр: 3)

Хар бир мусулмон фарзандига бу дунёга нима учун келганини англаш вақти келмадими?!

Эй суюкли биродарим!

Сен мана шу сатрлар олдида бироз тўхта, ўз ҳаётингни бир ҳисоб-қитоб килиб кўр!



Ислом Нури

Сен Аллохнинг ризоси ва жаннатига олиб борувчи тўғри йўлдан кетаяпсанми ёки шахватларинг ва орзу-хавасларинг ортидан халлослаб югурмокдамисан?

Азиз биродарим, қайси йўл узра эканлигинг хақида яхшилаб ўйла!
Чунки бу ниҳоятда муҳим ва жиддий масала.

Дунёда сен учун ўзингдан кўра азиз ва бебаҳо нарса бўлмаса керак.
Модомики шундай экан, ўзингни дўзах азобидан ва Аллохнинг
газобидан кутказишга ҳаракат қил!

Азиз биродар, сен Аллох ва унинг пайгамбари Мухаммад соллаллоху
алайхи ва саллам буйруқларига нисбатан қандай муносабатдасан?!

Уларни ҳаётингга татбиқ қилдингми ёки бепарво бўлиб, уларни атай
билмасликка олдингми?!

Ёки шариат аҳкомларидан фақат нафсингга ёккан ва шахватларингга
тўғри келадиганларигагина амал қилдингми?! Шу нарсалар хақида
фикр қил!

Унутма, Дин — бутун нарса. У бўлақларга бўлинмайди. Дин
аҳкомларининг баъзисига амал қилиб, қолганини ташлаб қўйиш Аллох
буйруқларини оёқ-ости қилиш ҳисобланади ва бундай қилиш мусулмон
кишига асло тўғри келмайди.

**«...Ё китобнинг бир қисмига ишониб, бир қисмини инкор
қиласизларми? Ораларингдан ким бу ишни қилса, унинг
жазоси бу дунёда расво бўлишдир, қиёмат кунида эса қаттиқ
азобга дучор қилинадилар».** (Бақара: 85)



Ислом Нури

Хакикий мусулмоннинг бутун хаёти ибодатдир. У диннинг факат маълум пайтлардагина амал килинадиган муаккат бир маросим эмаслигини яхши билади.

Аммо ўзларича мусулмонликни даъво килиб юрсалар-да, харом-харишдан тийилмайдиган, кўлини, тилини ва на калбини харомдан пок тутмайдиган кимсалар Исломнинг мохиятини англашдан жуда-жуда йироклар. Улар одил шариат хукмига эмас, бекарор кўнгилларининг маънисиз майлларига кўпрок кулок тутадилар.

Азиз биродар, гафлат уйқусидан уйғониш вақти етмадими?! Бамисоли тош каби котиб кетган бу калблар учун юмшаш ва бутун оламлар Роббисига эгилиш вақти етмадими?!

«Иймон келтирган зотлар учун Аллохнинг зикри сабабли ва нозил бўлган Хак — Куръон (тиловат килиниши) сабабли калблари эриб кўркиш (вақти) келмадими?!». (Хадид: 16)

Эй биродар, чин дилдан тавба килиб, Аллохга хакикий кул бўлайлик!

Биродарим, кел, сен хам тавба килувчилар карвонига кўшил! Ўшандай пок инсонлар карвонидан ортда қолиб кетма! Нахот улар хохлаган нарсани сен истамасанг?! Нахот улар Аллох таъоло магфиратига, Унинг хузуридаги ажру савобга мухтожлару, сен бундан беҳожатсан?!

Нахот улар Аллохдан кўркадиган заиф-бечоралару, сен Ундан кўркмайдиган кучли пахлавонсан?!

Эй биродар, сен жаннатни хохламайсанми? Жаннатда улуг Роббинг юзига карашингни хаёлингга келтир. Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам билан кўл бериб кўришишингни, у зотни ўпишингни ва



Ислом Нури

жаннатда пайгамбарлар ва сахобалар билан бирга ўтиришингни бир тасаввур эт!

«Кимда-ким Аллох ва пайгамбарга итоат этса, ана ўшалар Аллох инъомларига сазовор бўлган зотлар - пайгамбарлар, сиддиклар (хакки-рост иймон эгалари), шахидлар ва солихлар билан бирга бўлурлар. Ана ўшалар энг яхши хамрохлардир». (Нисо: 69)

Эй биродар, сен ўзингни сув, сут, шароб ва соф асал окадиган анхорлар устидаги абадий жаннатларда яширинган дур мисоли оху кўзли хурлар билан бирга бўлишингни хаёлингга келтир. Сен учун у ерда кўнглинг тилаган нарсалар hozир этилишини ва бу неъматларнинг барчаси кенглиги осмонлару ерча бўлган жаннатда бўлишини тасаввур кил.

Айни пайтда дўзахни, ундаги Закум номли дарахтни, ундан окиб чикадиган йиринг-фасодни, унинг оташ нафасини ва ундаги бадбахтларнинг доимий азобда бўлишини кўз олдингга келтир.

«Хар қачон улар ундан (дўзахдан) чикмокчи бўлсалар яна унга қайтарилурлар ва (уларга): «Ўзларингиз ёлгон деган дўзах азобини тотингиз», дейилур». (Сажда: 20)

Мана шуларнинг хаммасини хаёлингга келтириб, вақтида Аллохга тавба кил. Аллохга касам-ки, тавба килсанг ҳеч қачон пушаймон бўлмайсан. Аксинча, Аллох хохласа дунё ва охиратингда сохта ва хаёлий эмас, балки хақиқий-чинакам саодатга эришасан.

Эй биродар, бугундан бошлаб шу йўлни тажриба килиб кўр,



Ислом Нури

иккиланма. Ахир ўзинг хар намозда: **«Бизни Тўғри Йўлга бошла»**, (Фотиха: 6) оятини ўқимайсанми?! Агар тўғри йўлни ростдан ҳам истасанг, нима учун Раббингдан шуни сўрайсану, ундан юрмайсан?!

Сен бу дунёга алданиб қолишдан, у сенинг ташвишинг ва мақсадингга айланиб қолишидан ниҳоятда эҳтиёт бўл. Чунки сен, канча кўп яшамагин, канчалик роҳат-фарогат ичида бўлмагин, бир кун келиб албатта ҳаётдан кетасан.

Эй биродар, сенга ўлим келган пайтда ҳали сен тавба қилмаган бўлсанг сенинг холингга вой бўлсин. Агар сени тавбага чақирсалар-у, рози бўлмасанг сенга ҳасрат-надоматлар бўлсин.

Эй биродар, эртага борадиган жойинг учун амал қилгин. Чунки олдингда ўлим ўзининг сакаротлари (шиддати, талвасалари) билан, қабр ўзининг зулмат ва даҳшатлари билан сени қутиб турибди. У ерда яққа-ёлғиз ётасан, у ерда хотин, бола-чақаларинг, ошна-оғайнилари, улфатларинг ва қариндош-уруғларинг бўлмайди. У ерда сен билан фақат ўзинг қилган яхши бўлсин, ёмон бўлсин амалларинг бўлади, ҳолос. Эртага мана шу даҳшатларга албатта рўбарў бўласан ва Аллохнинг олдида туриб катта-ю кичик ҳамма амалларингдан ҳисоб берасан. Шундай экан саволларга жавобни бугундан ҳозирлаб қўй.

«Парвардигорларингиз номига қасамки, албатта, уларнинг барчасидан қилиб ўтган иш-амаллари ҳақида сўраймиз». (Хижр: 92-93)

Олдинда мана шундай даҳшатлар турган бир пайтда хой-ҳавасга берилиб, нафс-хавога ўқиб Аллохга осийлик қилиб юриш оқил одамнинг иши эмас.



Ислом Нури

Хаёт банда учун берилган улкан фурсат. Модомики тирик экансан, бу Аллохнинг сенга берган мухлати. Бу тавба килишинг ва Унга кайтишинг учун сенга берилган фурсат.

Бунинг учун Аллохга хамд айт, фурсатни кўлдан бой берма, кеч бўлмасдан туриб, вақт борида Аллохга тавба килиб кол.

Дунёдан ўтган кишиларни эсла. Кунни келиб, албатта сен хам бу ердан кетасан.

Лекин ёдингда бўлсин, сен хозир амал майдонидасан, тавба килишга ва яхши амалларингни кўпайтиришга кодирсан. Улар эса дунёга яна бир лахзага бўлса-да кайтиш, тавба килиб олиш учун бор нарсаларини беришга тайёрлар. Афсуски улар учун энди кеч бўлди.

«Аллохга рўбарў бўлишни ёлгон деб юрган кимсалар то тўсатдан киёмат келиб колганда устларига гунохларини оркалаб олган холларида: «У (дунё)да килган сусткашлигимизга хасрат-надоматлар бўлсин», деб коладиган пайтларигача ўзларига зиён килаверадилар. Ў, накадар ёмон нарсани оркалаб юрадилар-а!». (Анъом: 31)

Эй биродар, сен уларнинг хатосини кайтариб, пушаймон фойда бермайдиган пайтда афсус-надомат бармогини тишлаб колишдан эҳтиёт бўл. Модомики имкон бор экан, ўзингни дўзахдан халос эт. Акс холда сен: **«Парвардигоро, мени (яна хаётга) кайтаринглар, шояд мен колган умримда яхши амал килсам»,** (Мўъминун: 100) деган пайтингда сенинг бу илтимосинг кабул килинмай колади.

Аллох таолодан бизларни Ўзи яхши кўрган ва рози бўладиган ишларга



йўллаб кўйишини ҳамда сўзларга кулок тутиб, уларнинг энг гўзалига эргашадиган бандаларидан килишини сўзаймиз. У зот албатта бунга Кодирдир.